

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ



БУЛАДИГАН БОЛА

Суратчи: А. ТУРАЕВ



БУГУНГИ

СОНДА:

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

 СИЗГА НИМА БУЛДИ,
 ҚИЗЛАР?!

3-БЕТ

МЕЪРОЖ АДАБИ

4-БЕТ

 ЖУРНАЛИСТГА УҚ
 УЗМАНГ

7-БЕТ

КЕЙИНГИ

РЎЗИМБОЙ ҲАСАН:

БОШЛИҚНИНГ

БЕБОШ БОЛАСИ

ҲАЛИМА АҲМЕДОВА:

МУҲАББАТНИ

ТАНИМАЙМАН

 ЎЗ ЮРАГИНИ СУҒУРИБ
 ОЛГАН РАССОМ

СОНЛАРДА

 ОБУНА
 БОШЛАНДИ

Вақтдан унумли фойдаланиш доно киши-ларнинг ишидир. Зеро, сўнги пушмон, ўзингга душман деган нақл ҳам бор. Муҳтарам газет-хон, ишонамизки, Сиз бисотингиздаги донолик фазиладидан оқилона фойдаланасиз. Яъни имконингиздаги фурсатни қўлдан бой бермай-сиз. Янада очикроқ айтсак, «Оила ва жамият»-га, албатта, обуна бўласиз.

Обуна мавсумида сизнинг теварак-атрофда-гиларга ташаббускор бўлишингизни унутмаган ҳолда яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз, хо-лос:

«Оила ва жамият» билан бирга хонадонин-гизга хуш кайфият, тотувлик ва қут-барака кириб боради.

«Оила ва жамият» — қобилиятингизнинг

ҳали ўзингизга маълум бўлмаган жиҳатларини очишда ёрдам беради.

Дейлик, шихонада, бозорда ёки кўча-кўйди бирор ноқаснинг ноҳўя қилигидан дилингиз хира тортиди. Асло хафа бўлманг, фақат «Оила ва жамият»гина ўзининг «теша тегмаган» ха-барлари, қизиқарли суҳбатлари ва қувноқ ҳазиллари билан Сизга кўтаринки кайфият улашади.

Хуллас, бўш вақтингизнинг мароқли, маз-мунли ва фойдали ўтишини истасангиз «Оила ва жамият»га обуна бўлинг.

«Оила ва жамият» Сизга энг яқин сирдош, ишончли маслаҳатгўй ва содиқ дўст бўлиб қолади.

Обуна индекси — 64654.

ГАЗЕТЛАРНИНГ МАМЛАКАТ МИКЌСИ-ДАГИ ОБУНА БАҲОСИ:

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»

— 186 сўм.
 «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — 384 сўм.
 «ХАЛҚ СЎЗИ» — 390 сўм.
 «ТУРКИСТОН» — 390 сўм.
 «ИШОНЧ» — 208 сўм.
 «МАЪРИФАТ» — 264 сўм.
 «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» — 156 сўм.
 Олти ойга — 78 сўм.

ЕТТИ КУН

БИР ЯРИМ ЯШАР ТАЛАБА

Бу воқеа Хоразмдаги билимгоҳлардан бирида содир бўлди. Зўрға тетапоя юрадиган Расулбек ойиси билан давлат имтиҳонда қатнашиб, иншо «ёзди». Хасталиги учун имтиҳон ўтаётган хонада қатнашишларига истисно тариқасида рухсат қилинган бир ярим яшар «талаба» уч соат мобайнида одоб сақлаб, жимгина ўтирди...

БАҲО

Жумҳурият маорифида ўзгариш катта. Уқув дастурлари, китоблар қайтадан ёзилади, қисқаришлар бўлади. Натюжалар ёмон эмас. ТошДД журналистика факультетига ўқишга ҳужжат топширган талабалардан бири «1» баҳо олди.

ТОМОШАБИНЛАР КҮП

Тошкент шаҳридаги автобуслардан бирида муслима қизнинг сумкасига ўғри тушди. Дугонаси сезиб қолиб, ўғрининг қўлини нарига туртиб юборди. Шундан сўнг автобусдаги муслиму насонийларга анча томоша бўлди — мириқиди...

Киссовур оғзи сассиққина эмас, шилқим ҳам экан. Навбатдаги бекатда дугоналарнинг изидан тушди. Томонлар ўз йўлга кетгунча бекатдагилар ҳам мазза қилишди.

ТУШУНГАН ОДАМЛАР

Нурободнинг (Самарқанд вилояти) Тим қишлоғида ичкиликсиз тўй бўлди. Тўй-тўй бўлмади, ...дейишди «замонавий» одамлар. Лекин тўйхонада «сиртига чиқаришмади».

СОБИҚ ЧЕКИСТНИНГ ЭЪТИРОФИ

Экстрасенсларнинг ўзга сайёра вакиллари билан алоқа қилишлари ростга ўхшаб қолди. Буни тошкентлик собиқ шўро чекисти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Леонид Ваденикин тан олди. У кўпдан буён ўзга сайёраликлар билан алоқа қилиб келар экан. Ваденикиннинг «тепадан» олган маълумотларига қараганда, Колчакнинг хазинаси Жанубий Урал темир йўлидан 50 км. узоқликда тураржой остида, Николай II ники Псков вилоятида, Чингизхонники Қозоғистон тоғларида кўмиб қўйилган экан. Сталиннинг бункери эса Москва вилоятида 74 метр ерининг тагида жойлашган, унда тоғ қандилидан барпо этилган ҳовуз ҳам бор. («М — Э»).

ОГОҲ БЎЛИНГ

Ишончли манбалардан олинган хабарларга қараганда, 31 август — 1 сентябр кунлари Ўзбекистон телевидениеси мамлакатимиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган, қўтилмаган кўрсатувларга бой телемарафон ўтказди.

ЎЗБЕКНИНГ ЭРКАГИ КЎПАЙМОҚДА

Самарқанд туманидаги боғча мудираси Шарифа Самандарова бирваракай уч ўғил туғди.

ЧОШГОҲГАЧА УХЛАМАНГ

Худо кўрсатмасин [Худо кўрсатди!] борди-ю зилзила юз берса, уйқутираб ётоқхонанинг иккинчи қаватидан ташлаганингизни билмай қоласиз. Кеча Тошкент талабалар шаҳарчасида шундай бўлди. Дарвоқе, қолган уйқучилар ҳам турсичану ич кийимда бир-бирдан ўзишди.

ХАЙРИЯТ, СОМОН АРЗОН

Ўлкамизга лойсувоқ мавсуми кириб келмоқда. Ака-ука, қўни-қўшнилар ўзаро ҳашарга йиғилишиб том ва деворларни сувашга киришдилар. Шифер қиммат замонда сомоннинг борлигига ҳам шукур.

ТЎҚНАШУВДАН ҲАЛОК БЎЛДИ

Поп тумани Марғизор қишлоғидаги жин кўчалардан бирида фожиа юз берди. Зим-зиё қоронғу кечада қарама-қарши тарафдан катта тезликда келаётган икки велосипедчи тўқнашиб кетди. Натюжада навқирон йигит кўз юмди. Дастлабки хулосаларга қараганда фожиа эҳтиётсизлик туфайли содир бўлган, деб ёзди наманганлик мухлисимиз Фурқат.

НОЗ УЧУН 5000 СЎМ!

Хоразмда саёқ раққосаларнинг бозори чаққон — бир ноз-карашмаси учун деҳқоннинг ойлик сармоясини олиши мумкин. Олдин бойваччалар «юзталики» ҳеч оғринмай қистиришган бўлишса, энди ўрнининг мингталики рублини бели оғримай беришмоқда. Ҳақиқатда Урганч шаҳридаги бир тўй базмида бели бақувват ширкат ранси тиззасида ўтириб, ноз-карашма билан кўнглини хушлаган раққосанинг нозик жойига «беш мингталики» қистириб юборди...

ЯХШИ НИЯТ

Ўзбекистон матбуот оламида «Савдогар» пайдо бўлди. «Ўзбек савдо уйи» муассис бўлган янги нашрнинг мақсади — ўзбекларни бой қилиш.

«УЙДА ТУҒСАК
МАЙЛИМИ?»

Раҳима опа асли бухоролик. Тўрт қизнинг онаси. Ҳозир Тошкентдаги 1-туғруқхонадаги аёллар маслаҳатгоҳида доя бўлиб ишлайди. Хўжайинлари Мингбой Раҳматов олим, биология фанлари доктори.

Одатда хаста одамларга ачинаётганини сездирмаслигини керак, бильакс, уларнинг кўнгли баттарроқ тирналиб кетиши мумкин. Тўлғоқ азобини кечираётган аёл эса ёнидаги шифокорнинг ўзи учун астойдил куянаётганини ҳис қилиб турса, хотиржам тартади, дарди енгиллашгандек бўлади. Лекин...

— Раҳима опа, туғруқхоналарда эркак доялар ҳам ишлар экан...

— Доялик аёлларнинг иши. Афсуски, орамизда эркак доялар ҳам учрайди. Шарқона турмуш тарзи нуқтаназаридан қарасак, бу тўғри эмас...

— Она қорини ёриш йўли билан дунёга келаётган болалар сони кундан-кунга кўпайиб кетаяпти. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Биз ўтган йилларда ҳамма нарсани режалаштириб ишлардик. Ҳатто ўлиш,

туғилишдек бизнинг ихтиёри-миздан ташқари жараёнлар ҳам режадагидек бўлиши керак эди. Худди шундан келиб чиқиб жарроҳлик ишлари яхши йўлга қўйилган туғруқхоналар ўша йилларда илғор ҳисобланган. Бу рақобатнинг натижасида жуда кўп ҳомиладорлар арзимаган баҳоналар билан ҳам операция столига ётқизилган. Утган ўн йилликлар мобайнида қанчадан-қанча хотинларнинг қорнида чандиқ қолган. Демак, ўз-ўзида уларни яна жарроҳлик йўли билан туғдиришга тўғри келади...

— Ҳозир уйда туғиш ҳақида ҳам таклифлар бўлаяпти...

— Қанийди бунинг иложини қилолсак. Ўз уйда, ўзи ўрганган шароитда туғишга нима етсин! Онага ҳам, чақалоққа ҳам яхши. Солманилёз, стафилакок каби турли юқумли касалликларга йўлиқиш хавфи ҳам бўлмасди шунда.

Туғруқхонада туғиш ёш оналар учун жуда қийин. Ахир ўзингиз ўйланг, умрида кўрмаган даҳшатли оғриққа дуч келса-ю, бунинг устига уйдан, ақинларидан йироқда бўлса... Бутунлай берона шароитдаги тўлғоқ дар-

ди азобланиш муддатини чўзади, холос. Яна бир гап: аёлларимиз бутун бир инсонни «онасини қўриб» дунёга келтиришадю, туққанларидан сўнг туғруқхонанинг эски-туски ҳалат, йиртиқ сердоғ кўйлақларида кўримсиз бир аҳволда юришади. Бу ҳам нозиктаб аёлларимизнинг кайфиятига таъсир қилади...

— Раҳима опа, отасиз фарзанд туғайтган аёлларнинг руҳий ҳолатини ҳеч қузатганмисиз?

— Қузатганман. Боласини ташлаб кетувчилар ҳам учрайди. Лекин мен уларни бағритошликда айблай олмайман. Она барибир она-да! У ҳеч қачон ўз боласидан нафратланмайди. Улар ўзига боғлиқ бўлмаган кучларни енголмай шундай йўл тутишга мажбур бўладилар, холос. Чунки бизда ор-номус, оиланинг шайни, ҳамма нарсадан кучли туради-да! Лекин бу бевақт дунёга келиб қолган гудакларнинг ҳисобига бўлмаслигини истардим...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди



ХЛЕБУШКИНА ҚУРГАН УЙ

Бу уй қурилганида Хлебушкина 24 ёшда эди. Интернат ташкил этилганига, опанинг унга директор бўлганига роппа-роса 50 йил тўлди. Бу давр мобайнида 3500 нафар тарбияланган етим болаларнинг ҳаёти шу аёл билан боғлиқ. Уч ярим минг ҳазилакам сон эмас. Табиийки, улар оила қурган, кўпайган. Мазкур битирувчилар ҳозир МДХ ҳудудида яшаяпти, фаолият кўрсатаяпти.

Энди Ўзбекистон мустақил бўлди. Уйлаймизки, интернатнинг бундан кейинги битирувчилари мустақил давлатимизнинг манфаатини кўзлаб иш юритадиган инсонлар бўлиб етишади.

Бугун шу даргоҳда катта байрам.

Суратда: А. Хлебушкина болалари билан

Р. ШАГАЕВ суратга олган

• ЭЪЛОНЛАР ПУЛЛИК БЎЛДИ •

Азиз муштарий! «Оила ва жамият» тахририятга келадиган таклифларни инобатга олиб, пуллик «Табрик», «Узаро савдо» хизматини ташкил этишга қарор қилди. («Танишув» эълонлари текинга чоп этила беради).

Чиндан ҳам, инсоннинг ҳаётида туғилган кун, мучал ёши, никоҳ тўйи каби қутлуг саналар борки, бундай пайтлари хурсандчилик дўстлар билан баҳам кўрилади. Унутманг: энг зўр совға «Оила ва жамият» орқали табрикдир! Бу яқин кишингиз учун қутилмаган совға бўлади, аини пайтда Сизнинг дил сўзларингиз тарихга муҳрланади.

СИЗ:

— бирор нарсангизни сотмоқчисиз (нимадир сотиб олмақчисиз);

— хусусий кашфётингиз, ноёб хунарингиз сирини бошқаларга ҳам ўргатмоқчисиз (албатта маълум ҳақ эвазига);

— соҳангизнинг зўр мутахассисиз — хизматингизни таклиф этмоқчисиз...

Хуллас, хусусий бизнесни йўлга қўймоқчисиз. Билим ҳам, малака ҳам — ҳаммаси етарли. Лекин шунини нимадан бошлашни билолмасдан бошингиз қотган.

Ҳеч хафа бўлманг! «Оила ва жамият» Сизга ёр-

дам беради. Истагингизни қозғога туширингиз, сеvimли газетингизда эълон қилинг. Ишингиз юришиб кетганини сезмай ҳам қоласиз. Омадингизни қўлдан чиқарманг!

«Оила ва жамият» Сизнинг имкониятларингизни чамалаб кўриб, эълон баҳосини энг кам миқдорда белгилади. 1 босма белгининг (ҳарф, вергул) баҳоси — 1 сўм (Москваининг «Семья» ҳафталигида 5 сўм!). Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддат ичида чиқарилади.

10 кун муҳлат билан бериладиган шошилчин эълонлар икки барабар қиммат — 2 сўм.

Эълон учун тўланадиган пулни почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли (перевод) билан қуйидаги манзилга жўнатинг: 700029, Тошкент — 29, Намойишлар хиебони, 1-уй, «Оила ва жамият» тахририяти, Ю. Зиёдов. Эълонни тушунарли қилиб ёзиб, тўланган пул қавтанцияси ёки унинг нусхаси билан «Хусусий эълон» деб кўрсатиб тахририят манзилига юборинг.

Эълонларни тахририятга келиб ҳам бериш мумкин.

Агар омад кулиб боксин, десангиз «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»нинг хизматидан фойдаланинг!

Дераза

КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ

Хайфи (Россия)лик 25 ёшли Шиман Томас ўқувчи қизни овлоқ хонадонга «базм»га таклиф этиб... зўрлади. Сўнг қилган ишига пушаймонлар еб, ўкириб-ўкириб йиғлаб кечирим сўради. Қиз ўлгудай кўриб кетганидан беҳос кечирдим деб юборган эди, у қизни яна бир марта зўрлади.

Уни энди кечиримас керак. («М — Э»).

ҚЎШНИНГНИ ЎҒРИ ТУТМА

Қозғоғистонда яна бир болалар жамғармаси тузилди. «Бобек» деб номланган бу жамғарманинг ташаббускори ҳам, президенти ҳам Сора Алписовна. Энди Назарбоевлар оиласида икки президент бор.

Президент Сора хонимнинг биринчи нияти — болаларни даволаш-соғлом ўстириш марказини қуриш. Мафла тушириш ёмон эмас. Катта президент Нурсултон оға ҳам 10 минг сўм ўтказди. Ҳатто хайрияти қайси мақсадда ишлатилганини кўрсатувчи паттани сўраб олишни ҳам унутмади. («Азия»).

ЯГОНА МЕЗОН

Канаданинг бирлашган черкови ўзининг бесоқолбозлигини тан олган зотни руҳоний этиб тайинлади («С—И»).

ҚИЙИН БЎЛДИ

Жанубий Хитойда Хитой коммунистик партиясининг нафақага чиққан собик раҳбарлари кўнглини овлайдиган клуб «гул»сиз қолди. Кекса коммунистларнинг овуноғи фоҳишалар оммавий равишда қўлга олиниб, ахлоқни тузатиш хизматига жўнатилиди. («С—И»).

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК

Биробиджон шаҳрининг (Яхудий автоном республикаси) қоқ марказида мумли ҳандаққа сигир чўкиб кетди. Иккинчи сигирни автокран ёрдамида қутқариб қолишди. («М—К»).

ОЧ АЙИҚЛАР

Тюмен вилоятининг шимолидаги балкичилик ҳамда бугучилар посёлкалари — Кутонжугон ва Береговой посёлкаларига оч айиқлар ҳужум қилишди. Натика: 100 бугу топалди, аҳолининг ўта-каси ёрилди. Этиб келган овчи-инспектор бир айиқни отиб ўлдирди, қолган айиқлар ўрмонга қочди («Т—И»).



узум пишди

Маслаҳатлар

КОРЖОМАНГИЗ КИР БЎЛСА

Жуда ҳам кир бўлган иш кийими (коржом)ни ювиш учун кир совунни тўртга бўлиб, бир литр қайноқ сувда аралаштирасиз. Бир оз совутиб, ярим литр керосин ва бир ош қошиқ кир ювиш воситаси ёки кальций содасини қўшасиз. Коржоманинг энг кир жойларини аралашма билан артиб, қолган жойларини эса фақат намланг. Яхшилаб ўраб, бир сутка шу ҳолда қўйинг. Сўнграв совунли сувда ювиб, иссиқ сувда бир неча бор чайқаб олинг. Ювилган коржомани очик ҳавода қуритсангиз, керосин ҳиди тез йўқолиб, олдинги ҳолига келади.

ИККИНЧИ ЙУЛИ...

Коржомани бир соат илқ сувда ивитинг ва сувни тўкиб, янги сув солинг. Унга яна 10 ош қошиқ кир ювиш воситаси, 2 ош қошиқ кальций содаси ва 4 стакан скипидар мойи (ўткир ҳидли суюқ модда) қўшиб, бир сутка қолдиринг. Кейин ювиб ва чайиб олинг

ёки чайқаб, озроқ кир ювиш воситасини қўшиб қайнатинг. Коржомга тоза бўлмаса яна керосинми ёки скипидар усулида қайта ювинг.

МУРАББОНГИЗ АЙНИЙ БОШЛАСА...

Ташлашга шошилманг. Шиша идишдан сирли идишга солиб, ҳар ярим литрига икки ош қошиқдан шакер қўшиб аралаштиринг ва қайнатинг. Оловда ўн дақиқа ушлаб турсангиз мураббонгиз яна ўз ҳолига қайтади.

Ачиган сутни тўкиб ташламанг. Чунки ундан ширин ичимлик тайёрласа бўлади. Сизиб олиб, олма билан шакердан тайёрланган мева шарбатини қўшсангиз ширин ичимлик тайёр бўлади.

Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган ошхона асбоблари қорайиб қолса, картошқа қолдигига солиб қўйинг. Ўн дақиқадан кейин худди янгидай бўлади.

РУСТАМ тайёрлади.

Эълонлар

ТАБРИК

Жамоамиз ходими Баҳром ОБИДЖОН яқинда қизчалик бўлди. Тахририятимиз номидан Баҳромни тўнгич фарзанди билан қутлаймиз. Умри узун, ризқи бутун бўлсин! Газетимиз жамоаси.

Онажон, 19 август — туғилган кунингиз билан табриклайман.

Яратганининг ўзидан юрагингизга қувват ва шифо сўрайман. Соғлигингизга паноҳ тилайман! Қизингиз СУРАЙЕ.

Ҳурматли Ойгул! Сизини таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга иймон шафозати, яхшилиқ қаноати ва бақо саодатини тилайман. Қора-қўйингизда ҳаммаша бахтининг (!!!) рангини кўриш орзуси билан дўстингиз Икром. Тошкент.

Ҳасан — Раъно, Ҳусан — Дилором! Никоҳ тўйларингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз, деб Бахтиёр, Эркин.

Гавҳар момо, табаррук 70 ёшингиз қутлуг бўлсин. Сизга ҳали узоқ йил соғлиқ ва омонлик ёр бўлсин. Ҳадича-хон Урин қизини. Қарши тумани.

Меҳрибон онажонимиз яқинда 50 ёшга тўладилар. Волидамизни муборак айёмлари билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳаммаша соғ бўлсинлар, деб муаллима қизлари Дилрабо, Гулнора, Зухраҳон.

Суюкли куёв — жияним Тўйчижон Фозилов! Фарзандларингизга атаб ўтказадиган тўйингиз қутлуг бўлсин. Фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб опангиз Норхон Қўрамотова. Жиззах.

39 ЁШДА

Термизда яшайман. Бир хонали уйим бор. Ўғлим 5 га кирди, турмуш ўртоғим билан маълум сабабларга кўра ажрашганман. Врачман, ойлигим яхши. Пазандалик, бичиш-тиқиш иккинчи касбим. 40—45 ёшлардаги ўқи-мишли, ҳунарли, ичмайдиган [битта фарзанди бўлса, майли, бағримга олардим] киши билан турмуш қурмоқчиман. «Оила — 90» га ёзинг.

32 ЁШДА

Самарқанд вилояти туманларидан бирида яшайман. Касбим — ҳисобчи. Қизчаларим бор. Фарзандларимга оталик меҳрини бера оладиган, касб-корли, ёши 40 дан ошмаган киши билан [Самарқандлик бўлса яна ҳам яхши бўларди] оила қуриш ниятидаман. Рўзгорининг барча ишларини удалай оламан. «Оила — 91» хатларингизни қутади.

«ОИЛА»ГА КЕЛГАН ЭЪЛОНЛАР ТЕКИНГА ЧОП ЭТИЛМОҚДА

(52) 34 «Оила ва жамият»

ИБРОҲИМ ҒАФУР

ЙЎҚОТИЛГАН УЧ НАРСА

Яхши қурилган оила барбод бўлмайди.

Ҳаётнинг кўп ачиқ-чучук тажрибаларини кўрган-билган одам бу сўзни ўқиса, истехзоси кўзиб қулиши ёки камтарроқ бўлса, мийиғида: «ол-е!» — деб илжайиб қўйиши мумкин. У шундай қилса ҳақли. Чунки у ҳаёт денгида жуда ҳам кўп яхши қурилган оилаларнинг паторат топганлигини кўрган, эшитган. Шунинг учун: «Яхши қурилган оила барбод бўлмайди», деган гапни — у яхши гап бўлганлиги учун ҳам инкор қилиб, тескарсини исботлаб ўтирмаса-да, лекин қанчалар чиройли бўлмасин, бу гапга ишонмайди. Демакки, кўпни кўрган, тажрибакор одам бу сўзга ишонмаса, у нотўғрими? Фақат қулоққагина чиройли эшитилдими?

Ундай ишонмовчи, ишонмаслигига ҳаётдан жуда кўп мисоллар келтирувчи одамларга мен шунини айтган бўлардимки, бу сўз идеалда тўғри. Идеалда яхши қурилган оила барбод бўлмайди.

Чунки унинг замини инсоф, адолат, насл-насабларнинг мувофиқлигига қурилган. Бу уч нарса оила кўргувчиларда тўла ва мукамал суратда зоҳир бўлгандагина, биз бу оилани яхши қурилган оила дея оламиз. Лекин бунинг ўзига етмайди.

Шунинг ўзига етмайди. Қиз томон ва йигит томоннинг барча яқин қариндош-уруғлари, хонадон атрофида жамланган одамлар ҳам инсоф, адолат, насл-насабларнинг мувофиқлиги шартига тўла жавоб беришлари талаб этилади.

Акс ҳолда оила гарчи барбод бўлиб кетмаса-да, лекин у доим ҳаёда муаллақ осилиб туради. Ҳаётдан етиб келадиган ларзаларга чидамайди. Етқилиб тушади ё оғир лат ейди.

Бу уч нарса мавжуд бўлганда, оилада жисмонан ва ақлан етук фарзандлар дунёга келади. Ақли ахлоқига, ахлоқи жуссасига мос бўлади. Бу уч нарсани ўзида мужассам қилган оила баногоҳ қазову қадр ҳаводисларидан зарба еган чоғларида ҳам ҳеч қачон тўқилиб тушмайди, синиб кетмайди, асарсиз йўқолмайди. Уни доим инсоф ва адолатнинг маданияти ҳамда мувофиқлигининг неча минг йиллардан бери исботланиб келган ва тасдиқини топган сирли илми кўриқлаб туради.

Ҳа, мен учинчи шартни илм деб атайман. У илм бўлганда ҳам гоятда зарур ва сирли илм.

Бу гапларим билан оила муҳаббат асосида қурилади деган умуман тўғри ва лекин жуда енгилтак бир гапни ҳам инкор қилмоқчи эмасман.

Лекин муҳаббат алдамчи. У кўз ва ҳиссиётлар таъсирида. Кўз ва ҳиссиётлар алдамчи жозибаларга тез берилади. Алдамчи жозибаларга кўнгил бериладиганда, ақл ўз назорат қилиш мавқеидан маҳрум бўлади. Ақл ўз нозиклик ваколатини ўтамай қўйганда янгилиш ва адашшларнинг кети кўринмас ва бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган силсилалари ҳўкмига киради.

Муҳаббат бояги уч нарса мавжуд бўлган чоғдагина, уларга тож бўла олади. Ҳолбуки, тож бўлса-ю қалла бўлмаса, бу тож ҳар қанча чиройли кўринмасин, ундан нима наф бор? Содда қилиб айтганда, муҳаббат тожи инсоф, адолат, мувофиқлик устига кийдирилгандагина оила учун қимматли натижалар келтиради. Акс ҳолда у барбод қилувчи кўчлардан бири бўлиб қолаверди.

Муҳаббат фақат маърифатли бўлгандагина етук. Акс ҳолда уни фақат ҳирсининг алангалари деб баҳоламоқ керак. Жуда кўп одамлар ҳамон ҳирс билан муҳаббатни тўла фарқлолмайдилар. Ҳолбуки, ҳирс барча тирик мавжудотларга хос. Муҳаббат эса

Яратган томонидан фақат инсонга берилди. Муҳаббат туфайли инсон фаршталар билан тенг қўйилди.

Жамият миллионлаб оилалардан ташкил топган. Оилалар қандай бўлса, жамият ҳам шундай. Оиланинг аҳволи жамиятга, жамиятнинг аҳволи оилага тўхтовсиз ўтиб туради. Агар жамиятда иш бузғунчиликлар томон йўл тутган бўлса, билинги, бу албатта оилалардаги бузғунчиликлар ва уричган турли-туман иллатларнинг натижасидир. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Жамиятда маълум бир кўчлар ёки гуруҳларнинг зўравонлиги оқибатида адашиш ва бузғунчиликлар кучайиб кетса, оилалар эса ўз асосда тиклагувчи сақлаб қолиса, унда ўша бузғунчиликларнинг умри қисқа. Бузғунчиликлар ҳам, уларнинг қилмишлари ҳам узоққа бормади. Улар тез фош бўладилар ва адолат ҳўкм-пармо бўлган оилалардан тинимсиз етишиб чиқиб турган ақл-идроқли насллар томонидан қақшатқич зарбага учрайдилар. Лекин оилалардан бояги уч нарсанинг бирлиги ва бутунлиги кўпчиликл ҳолларда барҳам топган бўлса, унда бундай оилалардан ташкил топган жамият узоқ замонлар парокандалик ва адашшлар чоғига гарқ бўлади. Бу то оила ўзини ўша уч асосда тиклагувчи ва шундай асосга қурилган оилалар жамиятнинг бош мағзини ташкил этгунча давом этади.

Собиқ Иттифок ўта кетган қуроқ мамлакат эди.

У мутлақо зўравонлик асосида қурилган эди. Ҳеч кимдан мутлақо унинг ихтиёри сўралмаган эди. Яъни бошданоқ ўша уч нарса — адолат, инсоф, мувофиқлик барбод берилган эди.

Бу қуроқ чопон бир кун келиб чириши аён эди.

У ниҳоят чириди.

Унинг чириганлигини ақлли кишилар фаҳлмасликларига мумкин эмас эди. Коммунистик чопон ақл бовар қилмас даражада тез тўзиди. У илк адолатсиз қонлар тўкилгандаёқ, илк мол-мулклар мусодара қилингандаёқ, бутун-бутун халқларнинг ерлари тортиб олингандаёқ ва буларнинг эвазига уларга бошдан-оёқ рўйдан иборат алдамчи, сохта гоյалар зўрлаб қўлтиқлатилгандаёқ чириган эди. Лекин гуруҳлар тарихий хатоларни зудлик билан тузатиш ўрнига хато устига хато

қилавердилар. Чириган либосни темир симлар билан қайтадан неча бор тикиб чиқдилар. Уни қатор-қатор тиканли, зирхли тиканлар билан ўраб олдилар. Уни сақлаш учун халқни оч-яланғоч қўйиб даҳшатли қуроқлар ишлаб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса чиришни тўхтатолмади. Ҳеч нарса чиришдан сақлаб қололмади.

Чунки жамиятда ҳамма нарсани синфий курашга боғлаган ва ҳамма нарсани синфларга ажратган фалсафанинг ўзида жуда оғир адолатсизлик, инсофсизлик, инсоннинг неча минг йиллардан бери шаклланиб улгурган яшаш тарзига зид, унга мутлақо номувофиқлик тугал мавжуд эди.

Кимки бу жамиятни Ленин бузди, Хрушчев бузди, Горбачев бузди, деса хато қилади. Бу инсон табиатига, ҳаётига номувофиқ жамиятнинг фалсафасидан етишиб чиққан чексиз инсофсизликлар, давлат миқёсида қилинган адолатсизликлар бузди. Юқорида эслатилган шахслар эса чириган либосини зўравонлик билан сақлаб турдилар.

Улар ичида Хрушчев ва Горбачев фақат бу либосни орқасини ағдариб тикмоқчи бўлдилар. Камбағалчилик ва қашшоқлик авжга чиққан замонларда одамларда янги кийим-бош олишга мажол қолмай, кўпроқ эски-тускиларни ағдариб тикиш ва кийиш билан чекландилар. Лекин бу авраастари ағдариб тикилган либос бир қисқа вақтга чидаса ва бироз янгидек бўлиб туюлса ҳам, лекин кўп ўтмай у эскисидан ҳам баттар ҳолга тушади. Мато асли чириганлигидан ағдариб тикиш кўпга ярамайди.

Хрушчев ва Горбачев чириган жамиятни ана шундай ағдариб тикмоқчи бўлдилар. Ағдариб тикилган чопонни бутун маърифатли дунё ва ўз халқининг кўз ўнгига гўё тамомила янги либос деб ўқитишмоқчи бўлдилар. Ҳатто маълум бир тарихий вақтларни белгилаб, шу вақтлардан сўнг бу либос ўз-ўзидан олтин либосга айланади, деб ҳаммани ишонтиришга уриндилар.

Лекин уларнинг тарихий хизматлари либоснинг чириганлигини тушуниш ва уни ағдариб тикишга уринишдан нарига ўтмади.

Ағдариб тикиш жараёнларига олам-

шумул сиёсий тус берилди ва жаҳонга уни ислохотлар деб жар солинди. Ағдариб тикиш — ислохот натижа бермади.

Тўғрироғи, натижада либос бутунлай узилиб тушди. Эндиликда уни буюк бир зўравонлик машинаси билан ҳам чиришдан сақлаб бўлмади.

Горбачев ағдариб тикишга уринган ва бунинг учун бутун ақл-фаросатини ишга солган сўнгги социалист бўлиб тарихга кирди.

Горбачев ағдариб тикиш учун бутун чораларни ишга солди. Ҳатто ўтмиш оғир адолатсизлик ва инсофсизликларни кескин тузатиш, номувофиқ жараёнларни мувофиқлаштириш йўлини таллади. У адолатсизлик билан иккига ажратиб юборилган мамлакатларнинг бирлашишларига хизмат қилди. Европа ва Осиё халқларининг ўз ихтиёрларини ўзлари белгилашлари учун зўр қўйиш саяё-ҳаракатлар олиб борди. Афғонистондаги даҳшатли адолатсиз урушга, қанчалик шармандалли бўлмасин, барҳам берди. Иттифокдаги жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини кенгайтди. Ва бунинг қаранг, у адолатсизликларни бирин-бирин тузатган сайин бошқа энг катта бир адолатсизликнинг пойдевори очила борди. Адолатсизликларга барҳам берилма-берилма ниҳоят адолатсиз иттифок ҳам қўлади.

Иттифокнинг қулаши бу — янги давлатларнинг туғилиши. Қадимдан мавжуд бу давлатларнинг тикланиши беҳад адолатли воқеа.

Шу гўзал адолатнинг бошига, ким нима демасин, тарих Горбачевни олиб қикди. Ҳеч ким тарихда бу қадр улғу хизматга сазовор бўлган эмас.


Шу пайтгача неча-неча халқларга уларга бутунлай бегона бўлган қиёфа кийдирилди. Улар аллақандай кашф қилинган «шўро» қиёфасига зўрлаб, алданиб киритилдилар. Қиёфасини йўқотган халқларда турли маънавий таназзуллар бошланди. Зўравон давлат эса бу таназзулларни тузата олмади.

Янги давлатларда халқлар ўз давлатчиликлари доирасида бутун дунё билан тенг ва эркин муносабатларга киришиб ўз асл тарихий қиёфаларини касб этадилар. Зулм қандай қиёфада бўлмасин, беҳад манфур ҳодиса. Зулм туфайли йўқолаётган гўзал қиёфалар ўзлигини топаж. Яратганнинг душмани зулм бўлганидек, одамзоднинг ҳам биринчи ва энг қаттол душмани зулмдир. Дунё зулмдан ҳалос бўлиш палласига кирди.

Янги давлатлар ва шу жумладан, гўзал Ўзбек дёври ҳам инсоф адолат ва мувофиқлик шартларини давлатчилик асосига қўйса, ҳеч шак-шубҳа йўқки қисқа бир тарихий вақт ичида тикланиб ўз адолатли қиёфамизни касб этажамиз.



УНУТИЛАЭЗГАН УДУМЛАР



Ишонаманки, сарлавҳани ўқибоқ, яна бирор насиҳат-гўй насиҳат қилмоқчидир-да, деб ўйлайсиз. Йўқ, ундай эмас, сочингизни калта қиласизми, калта қўйлак киясизми — бу сизнинг ишингиз. Турли мақоллар, ҳикмат ва ҳикоятлар келтириб, бошингизни оғритмайман. Жўяли насиҳатга келсак, ўзим ҳам унга муҳтожман. Яна шуни биламанки, ушбуни кўпроқ эсли-хушли, одобли қизлар ўқиши, шубҳасиз. Аслида ўқиши зарур бўлганларнинг газет варақлашга вақтлари бўлмаса ҳам керак. Майли, ҳар тугул кимгадир нафи тегар-ку... Ростини айтсам, қизлар, сизларга бир оз дил ёргим келди-да.

ўшанда биз юқорда изоҳлаб беролмаган ва кўпчилик қизларнинг юзидан кетиб бораётган «нимадир» барқ уради уларнинг чехрасида. Мен барча қизларимиз шундай бўлса, дейман. Ахир улар паранжи ёпинишмаган, сочларини қирқта қилиб ўрмаган, атлас қўйлак киймаган, лекин бутун жисму жонларида ўзбекона жозиба, ҳаё, нафосат барқ уриб туради.

Биз, йигитлар қизларимизга шарқона кўринишни эслатсак, улар: «Сизлар ҳам дўппи, чопон кийинг, Фарҳоду Мажнун, Тоҳиру Отабеклардек бўлинг!»— дейишади. Ҳозирги замоннинг йигитларидан ундай ошқлар, ботирлар чиқмаслиги ҳақида лоф

Менинг бир оғайним бор. У авваллари шундай шўх, мушшлашишларга ишқибоз эдики, қўяверасиз. Шу йигит бир қизни яхши кўриб қолди-ю, жангариликни ташлаб хомуш, чекка-чеккаларда юрадиган бўлди. Қиз Наманганда ўқирди, оғайним баъзан ҳар куни, баъзан кун оша Наманганга бориб келарди. Бориб ҳам нима қиларди? Қиз билан бир оғиз гаплашса гаплашарди, бўлмаса уни кўриб, бир оз дили ором олиб қайтарди.

Сизингча, наҳотки бу мажнунлик бўлмаса! Наҳотки, ўша қизнинг «нимасидир» оғайнимни ўзига тортиб, ундаги сирли қараш ва сўзлар, унчалик очилиб-сочилмас-

чаки кўнгилхушлик, холос. Алданманг.

Бағримни ўртаган яна бир гапни айтай: авваллари ҳам севишганлар бўларди, улар ҳам пинҳона учрашувларга чиқишарди. Мабодо юрак ютиб учрашувга чиқишса ҳам қиз йигитдан анча нарида турарди. Лекин юракларни ўртаган сирли қарашлар, хўрсинишлар, гапиргани сўз тополмасликлар буюк муҳаббатни куйларди. Ҳозиргилар эса ёпишиб олишади. Ҳеч бўлмаса қўл ушлашмаса, севишган ҳисоблашмайди ўзларини. Ҳа, армон эрур у кезлар!..

Шунақа, қизлар, бизларни сизнинг сирли қарашингиз, сўзингиз, уялишу қизариш-

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ЗАФАРНОМА

Бузург меҳр шундай нақл қилади:

— Мен устозимдан сўрадим ва у жавоб қайтарарди. Дедим:

«Турфа одамлар эҳтиёж сезадиган нарсалар нима?»

Деди:

«Уч нарса: оқиллар донишмандлар билан маслаҳатлашишга, кучли лашкарбонилар ҳийла ва айёрликни, покдомон зоҳид ибодатга ҳамиша эҳтиёж сезади».

Дедим:

«Қайси фазилатларни одамлар кўпроқ қадрлайди?»

Деди:

«Уч нарсани: бировларга сатм ўтказмаслик, ёлгон сўзламаслик, тил билан бировни хафа қилмасликни».

Дедим:

«Агар илм ўргансам, нима топаман?»

Деди:

«Агар кичик бўлсанг, улғу ва машҳур бўласан, камбағал бўлсанг, бойлик орттирасан, машҳур бўлсанг, янада машҳурроқ бўласан»

Дедим:

«Мол-дунё тўплашдан мақсад нима?»

Деди:

«Зиммадаги қарзларни узатиш, ота-онанинг турмушини таъминлаш, душманни дўстга айлантириш, дўсту душман билан мурося қилиш».

Дедим:

«Ёйилмаса ҳам тўйдирадиган бирон нарса борми?»

Деди:

«Яхшилар суҳбати, ёру дўст дийдори, охорли кийим, мўътадил ҳаммом ва ёқимли ҳид».

* * *

Луқмони Ҳакимдан: «Дона ким?», деб сўрадилар.

Деди:

— Дунё неъматларига учиб, қиёматни унутмаган киши.

Яна сўрадилар:

— Бадавлат одам ким?

Деди:

— Ақл бойлигига эга бўлган киши.

Сўрадилар:

— Шараф нима?

Деди:

— Ўз вазифасини бошқалар зиммасига юктамаслик.

Сўрадилар:

— Одамлар қидирадиган ва ҳеч ким билолмайдиган нарса нима?

Деди:

— Ишларнинг натижаси.

Сўрадилар:

— Ўзи ширин, аммо татиб қўрган кишини ўлдирадиган нарса нима?

Деди:

— Ҳасад.

Сўрадилар:

— Асло ҳароб бўлмайдиган буюқ қайси?

Деди:

— Адолат буюқи.

Сўрадилар:

— Охири ширин аччиқлик қайси?

Деди:

— Сабр.

Сўрадилар:

— Охири аччиқ ширинлик қайси?

Деди:

— Шошқалоқлик.

ДАВОМИ. БОШИ УТГАН СОНЛАРДА».

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ҚИЗЛАР?!

Ҳозир кўпчилик қизларимизнинг юзидан нимадир етишмайди-да, яхшилар. Йўқ, пардоз-андозлари жойида, ҳатто ортиғи билан. Мен айтмоқчи бўлган нарсани бир оғиз сўз билан тушунтириш мушкул бўлса керак. Лекин гап нима ҳақда эканлигини ҳойна-ҳой англагандирсиз...

Ез пайтлари ранго-ранг ва қимматбаҳо эмас, оддийгина читми ёки бошқа арзон матодан қўйлак кийган қизларга кўзим тушади. Юзларига қарасангиз, чехралари шу қадар тиниқ, жозиба-ли, шу қадар мулоим, гўзал. Бир фурсат тикилиб қолсангиз, юзларига дарров қизиллик югуради. Худди ана

уришади. Ҳой, қизларжон, асло ундай эмас, ҳозирги замон йигитлари ҳам ҳар нарсасига қодир. Аммо уларнинг ўз қодирликларини намоён эта олиши сизларга боғлиқ. Қандай дейсизми? Шундайки, сиз ўз шарқона гўзаллигингиз, ҳаё ва иффа-тингиз, ширину аммо сирли сўз ва нигоҳингиз, садоқатингиз билан уларни шунга мажбур қилинг. Ахир асрлар оша шундай бўлиб келган, наҳот момоларингиз қони томирларингизда урмаётган бўлса! Юввош ва журъатсизни жасур қилган, ўт ва оловларни юввош қилган ахир, сиз ва сизнинг муҳаббатингиз эмасми!..

лиги уни шу кўйга солмаган бўлса!

Қизларжон, одамзот ҳа-миша сирли нарсаларга интилган. Шундай экан, сиз ҳам сирли бўлинг, сунъий бўёқлардан кўнган, саргайган юзингизни, умуман, ўзингизни кўз-кўз қилманг. Замонавий бўлинг, аммо замонавий ўзбек қизи бўлинг. Ҳали мен бирор йигитнинг, турли-туман матоҳларни кийган, юз-кўзини аямай бўяган, танасини намойиш этиб юрган қизни кўрсатиб, ўшанга ўйланмоқчи эканлигини айтганини эшитмаганман, кўрмаганман. Йигитлар ҳамиша содда ва ҳаёли қизларни излайди. Қолганлари эса шун-

ларингиз куйдирсин. Бизни ҳажрингиз, филогингиз, йиглашингиз кулишингиз, меҳрингизу қаҳрингиз куйдирсин. Узоқ-узоқ вақтда насиб этган васлингиз, ўзини олиб қочишингизу буюк муҳаббатингиз куйдирсин! Ушанда биз ботир, мард ва кучли, ишқда мажнунваз бўламыз, қизларжон. Бунга асло унутманг. Мен сизларга, қайтинг, ўз аслингизга қайтинг, бизларга мардлик, жасорат, буюк муҳаббат беринг, дейман!..

Сизга нима бўлди, қизлар!!

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Меърож адаби

معراج ادبى

Ё ОЛЛОҲ!...

Янги рукнимизни эзгу ният билан «Меърож адаби» деб номладик. «Меърож» сўзи «юқорида (кўкка) кўтарилиш» маъносига ҳам ишлатилар экан. Эҳтимол бу ном одамларнинг маънавий аҳволига, ҳаётимизда бўлаётган воқеаларга нисбатан биланд-парвоздек туюлар. Лекин Худо одамзотни суюкли маҳлуқотим дея яратган экан, камилликка интилиш, шу ниятда яшаш бандаси учун фарздор. Ниятимизни сажимият билан қабул қилишингизни сўраймиз. Ҳар бир банда кўкка, яъни Аллоҳ ҳузурига бориши шубҳасиздир. «Меърож адаби» деган-

да биз ана шу йўлдаги инсон бажарадиган адабни кўзда тутдик. Шунингдек, илм орқали исломнинг дунёвий қудратини англашни ният этдик.

Энг асосийси, бировга ақл ўргатиш эмас, сиз азиз муштарий ила биз — «Оила ва жамият» тахририяти ходимлари ҳам бу илмдан воқиф бўлиш, унга амал қилиш мақсудимиздир. Бу савобли ишда ислом илмининг зукколари, пиру бадавлат отахонлар, онахонларимиз, зиёлиларимиз, хуллас, барча аҳли ислом ва мусулмалардан зарур мақола-лар, маслаҳатлар кутамиз.

Телевизорда чучук тилли жажожигина қизча «Ойжоним яхшилар» кўшиғини куйлапти. Йигитча телевизорга тикилганча, кўзлари жовдираб, кўшиқни пичирлаб қайтараётган етти ёшли синглисига қаради. Синглис кўшиққа шунақаям берилганки, гўё ҳозир экрандан онаси чиқади-ю, уни бағрига босадигандек тасвирга талпинарди.

Йигитча чидолмади, отилиб ташқарига чиқди, ўриннинг остига бориб хўнграб юборди. Кўзларидан ёш куйилар, овози бўғилиб, тинмай Худоний сўкарди.

Бир кунини унинг олдига мадрасада ўқиётган мулла-вачча келди. Толиби илм ундан бир-икки ёш каттароқ эди, холос.

— Бизникига бориб туринг. Мен сизга арабий имлони ўргатай, намоз ўқинг, хуллас диний илмларни эгаллашга уриниб кўринг, — деди мулоимлик билан мулла-вачча.

Унинг жаҳли чиқди. Гўё бошига барча кўргуликларни ўша мулла йигит солгандай, унга ўқрайиб гапирга кетди: — Худо йўқ, ахир! Агар бўлса ҳам у инсофсиз Худо. Бўлмасам, уч ва етти яшар сингилларим билан мени, ёлғиз суянчигимиз — онамиздан айирмасди. У йўқ! Муллаваччанинг кўзларига ёш келди.

— Аллоҳ ўзи инсоф берсин! — деди пичирлаб...

Даҳрийлар мамлакатига даҳрий бўлиб ўсган ва оғир қисмат туфайли жоҳилликка юз тутган ул йигитнинг пешонасига Афғонистон қирғинларида иштирок этиш ҳам ёзилган экан...

Қандайдир қишлоқ марка-зига кириб келган Шўро ас-

карлари, деворлари оқла-ниб, ҳовлиси озода супи-рилган масжидга мўр-малах-дай ёпирилишди. Кечалари юпун бўлган даҳрий аскар-лар у ердаги кўрпа-тўшак, аёёл ва бошқа хил матоҳлар-ни таллашиб, техникага жой-лай бошлашди. У ёшли кўз-ларни ила талончиларга наф-рат билан боқиб турган аф-гонларни кўриб, чидолмади. Югуриб бориб, бир-икки ас-карларнинг қўлидаги мас-жиддан таланган нарсаларни тортиб олди. Охири барчаси-га кучи етмаслигини англаб, нарироқдаги икки зобитга йўғлағудай бўлиб ўқтира-кетди. Зобитлар ғайри дин бўлсалар ҳам, аҳволни ту-шунди. Уларнинг буйруғи билан нарсалар масжидга қайтарилди.

У ўз машинасига келиб, энди ўтирганди ҳамки, рўпа-рада турган бир афгон чол уни қақриб қолди. Чолнинг юзи шу қадар нуроний, со-қоли оппоқ, боқилари му-лойим эдики, кишини эритиб юборарди.

— Шумо мусулмон ас? — деди чол афгончалаб.

У аввалига «ҳа» демоқчи бўлди. Лекин болалигида бобоси бундай саволга «ҳа» деб эмас, бошқача жавоб беришни ўргатганлиги ёдига тушди-да:

— Алҳамдулиллоҳ! — деб жавоб берди.

Чол мусулмон эканлигини унинг кўзлари айтиб тургани-ни таъкидлагач, дуога қўл очди. Чолга бошқа афгонлар ҳам, унинг ўзи ҳам қўшилди. Уша кундан бошлаб унинг кўнглида ажиб бир энгиллик, ёруғлик пайдо бўлган эди.

Узоқ отишмадан сўнг «душманлар» чекинишди. Шўро аскарлари қишлоқнинг

кўчаларига, хонадонларга бостириб киришди. У бир хонадонга кирганда, бурчак-да эски чопонга ўраниб, ба-зур нафас олаётган чолга кўзи тушди. Қариянинг тепа-сида автомат ўқталиб ўрис аскар турарди. Чол қарийб пешонасига қадалиб турган автоматга ҳатто кўзини ҳам юмиб қўймас, унинг нигоҳи-да кўркувдан асар ҳам йўқ эди. Катта очилган кўзлари-ни йигитга қадаб, «Ё Аллоҳ!» дерди холос. Ўрис автомат тепкисини босаётганида, йигит унинг қўлини тепага кўтариб юборди. Ўқ шифтга қадалди. Аскар унинг вазо-ҳатидан ҳайиқдими ёки ўзи инсофга келдими, ҳар тугул бир зарда қилди-ю, чиқиб кетди. У чолнинг устидagi чопонини кўтаргач, унинг қонга беланган танасини кў-риб эти сесканиб кетди.

У кейин-кейин кўркувдан титраб-қақшаб, аянчли аҳвол-да жон берган аскар дўстла-рини кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. «Қизиқ, иймон кел-тирсанг ўлишинг ҳам энгил-роқ бўларкан, кўркув қочар-кан, умуман даҳшатнинг ўзи қолмаскан. Бизларни ҳатто одамлардек ўлишдан ҳам маҳрум этишган-а!».

Йигит кашф этган улкан фалсафа шу эди. У энди ўзи-нинг оғир ва шайтон васваса қилган кунларида ўша мулла-ваччани, оппоқ соқолли чо-лни, қонга беланиб ётган аф-гон қарияни ва иймон кел-тиролмаётган дўстларини хотирлайди. Кейин кўкка қа-раб аста, лекин оташ хўрси-ниш билан пичирлайди: — Ё Оллоҳ!

Наби ЖАЛОЛИДДИН



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

БАЛОҒАТГА ЕТГАН ҚИЗ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ун саккиз минг олам Роббиси ҳақ субҳонаху ва таолога ҳисобсиз шукур ва ҳамдлар, унинг маҳбуб пайғамба-ри, икки олам сарвари Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васал-ламга то қиёматгача салавот ва салом-лар бўлсин!

Балоғатга етган қиз ўз ихтиёри бир-ла эрга никоҳланмоғи дурустдир. Агар қиз боланинг бўлажак никоҳ-дан хафа эканлиги маълум бўлса бун-дай никоҳ дуруст эмас.

Балоғатга етган қизнинг сукут қил-моғи, кулмоғи ёки овоз чиқармай йўғламоғи бўлажак никоҳга берилган розилик жавобидир. Масалан, қизнинг отаси ёки онаси «сени фалон кишига ёки йигитга унаштирсак майлими?» деб сўрашганда, қиз бола жавобсиз жим турса, ота-онасини кўп куттирмай мийғида кулса, ёки овоз чиқармай йўғласа, балоғатга етган қизнинг бу ҳолати, розилик аломатидир.

Агар қиз бола, унга маслаҳат со-

лишганда, бўлажак никоҳни масҳара-лаб кулса, демак рози эмас.

Балоғатга етган қиздан жавоб сў-рашганда, ё бўлмаса бу ҳақда унга хабар етказганда, албатта бўлажак ку-ёвнинг номи айтиб жавоб сўралмоғи шартдир.

Агар қиздан узоқ валийс бермоқ розилигини сўраса ул қизнинг жавоби фақат сўз бирлан бўлур. Яъни қиз ўз тили бирлан «розиман» дегандагина розиликка ўтгай. Бу ҳолатда (яъни қизнинг ўз ота-онаси эмас, бобоси ёки энаси орқали сўралганда) йўғламак, кулмак ҳафалик ёхуд розилик алома-ти саналмағай.

Агар никоҳланаётган ожиза жувон бўлса-ю, ундан жувон киши розилик сўраса ҳам, ўз тили бирлан, «рози-ман» ёки «рози эмасман» деб жавоб бермоғи шартдир.

Агар балоғатга етган қизнинг, қиз-лиги зинодан ёки жимодан ташқари ҳолатда кетса (яъни баландликка сак-раш билан), бундай ҳолатда у боқира қиз ҳукмидадир.

Балоғатга етган қизга эркак киши гувоҳликка ўтказилса, гувоҳ билан қиз бошқа-бошқа ерга ўтқазилади.

Балоғатга етмаган ўғил ва қиз (гар-чанд жувон бўлса ҳам) никоҳланмоғи дуруст эмас.

Йигит ва қиз ўз розилиги билан ни-коҳлангач, яъни ниятда бўлмоғи, бир-бирига «сиз» деб мурожаат қилмоғи ҳалол ризқ топиб рўзгор тебратиш-лари лозимдур.

Ҳар бир муслим ва муслима тур-муш кўргач, иккала тарафга бир неча вазифалар юкланади. Булар Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримизнинг «Ҳадиси шариф»ларида етарлича ба-ён этилган. Шулардан энг асосийси, жимо (жинсий алоқа) олдидан йигит ҳам, қиз ҳам «Бисмиллоҳ» калимасини айтмоқликдур. Шунда, бундай ота-онадан фақат яхши амалли фарзанд-лар дунёга келади.

Жимодан кейин эркак ва аёлнинг тезда покланмоғи (ғусл қилмоғи) за-рур.

ҒУСЛ ВА УНИНГ ШАРТЛАРИ

Кишига уч ҳолатда ғусл лозим бў-лади. Биринчиси, жунуб бўлганда. Ик-кинчиси аёллар ҳайз кўриб, қон кели-ши тугаганда. Учинчиси, фарзанд ту-ғилгач, нифос қони (чилласи чиққан-да) тугаганда. Ана шу ҳолатларнинг ҳар бириндан сўнг ғусл қилиб, покла-ниш мусулмалар учун фарздор.

Ғуслда учта фарз бор.

1. Оғизга сув олиб ғар-ғара қилиб ювиш.

2. Буруннинг ичини яхшилаб ювиш. 3. Тамом бадан аъзоларига сув тек-кизиб ишқалаб ювиш.

Ғусл қилаётган (ювинаятган)да ушбу дуони ўқимоқлик шарт. Акс ҳолда киши қанча ювинмасин пок бўлмайди.

«Навбайту анугта сала ғуслан, минал жунубати рафан. Лил ҳадаси. Ва ишти-боҳатан лил бадани. Таҳоратан лисса-лоти, Тақаррубан мин аллоҳу таоло».

«Мухтасар»дан

Бундан бир ярим йил аввал Тоғли Қорабоғдаги Лочин—Шуша йўлида «Молодежь Азербайджана» (Юзор ёшлари) газети муҳбири Салатин Аскерова отиб ташланган эди. Сал ўтмай худди мана шу йўлда Перм шаҳрида чиқадиган «Милостивие государи» газетининг муҳаррири Валерий Дементев оғир яраланди. Қорабоғдаги уруш «Маяк» радиостанцияси муҳбири Леонид Лазаревичга ҳам шафқат қилмади. Мана, 15 июн кўни эса граната парчаси телерепортёр Чингиз Мустафоевнинг жонига қасд қилди. У Қорабоғ тоғларида жон таслим қилган саккизинчи журналист эди.

Тиниб-тинчимас, Худо ёрлаққан очик кўнгил, ҳушсуврат бу йигит аксарият журналистлар сингари кўплаб касбларнинг ҳавосини олган эди.

Мен Чингиз билан барчамиз учун, барча боқуликлар учун энг оғир дамларда — 1990 йилнинг қишида танишдим. Бизнинг девонимиз («Азеринформ») ўшанда 19 январдан 20 январга ўтар кечаси содир этилган фожиа жабрдийдаларига кўрсатилаётган тиббий муолажалар ҳақида ҳикоя қилувчи бир талай мақолалар чоп қилганди. Касалхонадан рухсат берилган беморларнинг муолажани давом эттиришлари учун махсус даволаш маркази ташкил қилинганидан хабар тоғач, зудлик билан бу тўғрида ёзмоқчи бўлдим. Шу тариқа талабалар санаторий-профилакторийсига бориб қолдим. Унинг бош врачси эса Чингиз Мустафоев эди.

Қолаверса, энди ортда қолган ўша сокин замонларда у ойнаи жаҳонда замонавий мусиқа тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатув ташкил этганди. Бу дастур ўшанда катта шухрат қозонган, ёшлар уни ҳар гал сабрсизлик билан куттишар эди.

Аэропортда ҳўнграб йиғлаётган, ҳамкасби кўтариб олган телекамерадан юзларини тўсишга уринаётган Чингизнинг ўша ҳолатини ҳеч қачон унут олмасам керак. Ушанда у эндигина Хўжалидан учиб келган эди. Чингиз бутун дунёни ларзага солган мудҳиш қирғинни ўз кўзлари билан кўрди; ҳўрланган гўдакларнинг, ҳақоратланган қарияларнинг ҳали совиб улгурмаган мурдалари сочилиб ётган ўша ялангликни ўқлар ёмғири остида суратга олди. Аэропортда журналистлар уни саволларга қўйиб ташлашди. Ахир ҳали ҳеч ким ўрта асрларга ҳос бўлган бу даҳшатдан тузукроқ хабардор эмас эди.

Аммо Чингиз бир оғиз ҳам сўзлай олмади. Уни дўд-дўв қўйилаётган кўз ёшлари бўғар, нигоҳларида бўлса ўша даҳшат манзараси қотиб қолган эди:

ЖУРНАЛИСТГА
ЎҚ УЗМАНГ!

Таржимон изоҳи: Кўриб турганингиздек, сертахлика замоннинг аёвсиз эпиклари журналистларни ҳам четлаб ўтмаётир. Тўғрироғи, журналистлар биринчилар қаторида мана шу қушанд-этхўр замоннинг қўрбонларига айланмоқдалар. Бу касб эгаларининг қисмати нақадар оғир эканлиги исботи тариқасида эътиборингизга баъзи бир рақамларни ҳавола қилиш кифоя, деб ўйлаймиз.



тош қотган гўдакларнинг мурдалари, беўхшов тарзда букланиб ётган ўлик одамлар. У XX асрнинг сўнгги йилларида содир этилган ваҳшийликни биринчи бўлиб кўрди ва буни биринчи бўлиб суратга олди. Мана, ҳозир ҳам ўша даҳшатли манзара муҳрланган кинолентани хотирхам томоша қилиб бўлмайди, гоҳида бунга асабларингиз дош бера олмайди; аммо бир маротаба томоша қилиб бу даҳшатларни унут олмайсиз. Худди шу каби чарчоқ ва даҳшатдан хириллаб қолган Чингизнинг кадр ортида эшитилаётган хансирашлари ҳам бир умрга хотирада муҳрланиб қолади. Уша кўни репортёрлик матонати унга илк бор панд берди — ҳаяжондан титроқ босган қўллари камерани бир меъёрда ушлаб тура олмади...

Чингиз ҳаётининг энг сўнгги дақиқалари ҳақида бизга «Хабар — сервис» девонининг фотомуҳбири Олег Латвин сўзлаб берди. Гранатамёт ва танк-

лардан тинимсиз ўқ ёғдириб турилган бир маҳалда Чингиз тепаликда тик турганча суратга олишда давом этарди. У ҳар галгидек зирҳли либос кийиб олган, ён-атрофидан визиллаб ўтаётган ўқларга парво қилмасди. Аммо граната парчаси зирҳ билан ҳимояланмаган жойини топиб борди. Мухбир юзтабун йиқилди, бироқ камера ҳамон ишлашда давом этарди. Уққа учган аскарнинг қўлларида байроқни олганлари каби, кимдир ҳали Чингизнинг тафти аримаган камерани олди. Оғир ярадор бўлган Чингизни суратга тушира бошлади. Чингиз ҳалок бўлди, аммо унинг дастёри ҳали тирик эди...

Эҳтимол, соддаликдир, аммо барибир бор овоз билан ҳайқиргн келади: журналистларга ўқ узманг! Ахир улар — бу сўзлар қанчалар баландпарвоз туюлмасин — тарихнинг солномачиларидир.

«Азия»дан Шарифжон АХМЕДОВ таржимаси

Ҳақатгина мана шу йилнинг ўзида жаҳонда 61 нафар журналист ўлдирилди. 5 нафари ном-нишонсиз кетди. 324 муҳбир ҳисба олинди. Дўк-пўпса қилинганларнинг соии 164 тага етди. 156 журналиста тажовуз қилинганлиги оқибатида уларнинг ҳаётлари хавф остида қолди. 151 муҳбир суд ҳўкмлари орқали тазйқ остига олинди. 42 журналист ўзлари ишлаб турган мамлакатдан чиқариб юборилди.

«ЗАНЖИЛАРНИНГ ҲАМ ҚОНИ ҚИЗИЛ»

Мен ленинградлик рус аёлиман. Бир оилада укам ва мен эдим. Укам ёшлик пайтидан бошлаб оилага оғир юк бўлди. 5-синфлигидак тарбияси оғир болалар мактабига беришди, кейин эса «балогатга етмаганлиги учун» дея енгиллик бериб, суд қилишди. Ун саккиз ёшдан кейин мўддатини ўтамасдан суд қилинаверганидан бир ой ҳам озодликда бўлгани йўқ. Институтни тугатгач, Молдованинг Тираспол шаҳрига йўлланма билан ишга келдим. Шу ерлик молдаван йигитига турмушга қикдим. 6 ва 4 ёшли қизларимиз бор. Шу йилнинг апрел ойлари эди. Бу пайтда Преднестр қўчаларида талончи казаклар изғиб юришарди. Бир кечаси кўнгирик жиринглаб, эшик тақиллади. Эшикни эрим очди. Шу заҳоти автомат ўқ-

талган бешта бесўнақай талончилар кириб келишди. Улардан бири эримни урган заҳоти, мен йўлакка югуриб чикдим. Жон-жаҳдим билан дод-вой солмоқчи эдим, бироқ шундоққина ёнгинамда турган казаклар кийимидеги укамни кўрдиму, товушим йўқолди. Аввалига туш кўр-япман деб ўйладим. Талончилар қилгани учун 13 йилга ҳўкм қилинганини, ҳозир эса жазо мўддатини ўташи лозимлигини билардим-да, ахир! «Опа, ўзингмисан? Ма-на қаерда экансан, қанжик!», дея бақирди укам. Мен нима қилишимни билмай, қотиб қолдим. Елғондан бўлса ҳам ўзимни бу учрашувдан ўта хурсанд қилиб кўрсатишим кераклигини фаҳмладим. Укамнинг бўйнидан қучоқлаб: «Укажон, жоним, укажон. Сен озодликка қикиб-

сан-да. Қандай яхши, қандай ажойиб», — дедим.

Кейин бошқалари эримни қўйиб юбордилар-да, автоматларининг тумшўгини ерга қаратганларича, бизни кузатиб туришди.

Шундан сўнг уйимизда ҳар кўни эртадан кечгача ароқ ичиш, фаҳш билан шўгулланиш бошланди.

Укамни пулга ёллашибди. Ўзи шундай деди. Пул эвазига нима қилиш лозимлигини сўраганимда, молдованларни битта ҳам қўймай ўлдиришини, бўғиши, сўйиши ва отиб ташлашини айтди. Сизларга ким бошчилик қилади, деб берган саволимга: «Ким пул берса, ўша бизга бошлиқ», — деб жавоб берди. «Агар Снегур кўпроқ пул тўласа ва Ленинграддаги русларни ўлди, деб буюрса, буни ҳам бажараверасан-

ми?» — дедим мен. «Албатта, кимни ўлдиришининг мен учун фарқи йўқ, — деб жавоб берди у. — Нима мен русларни ўлдирмаганманми? Барисининг, ҳатто занжиларнинг ҳам қони қип-қизил».

Укам яна айтдики, уларнинг деярли барчаси қамоқхоналардан экан. Сен булар сафига қандай қилиб тушиб қолдинг, деган саволимга жавоб бермади. Аммо, мана шу қиргин тамом бўлганидан кейин ундан барча судланганликлари олиб ташланишини, ишлаб олган пулига эса Невский хўбонида ресторани курмоқчи эканлигини айтди.

Эрингни ўлдираман, болаларингни ёқаман, дея кўп бор дўк ургандан кейин ундан ҳеч нарсани олмай, Ленинградга, ойминикига қочиб кетишга мажбур бўлдим. Мен исму шарифини айтишдан кўркаман. Чўнки Тирасполга қайтиб боришдан умид узганим йўқ.

А. П. С. — Петербург «Аргументы и факты»дан таржима

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОВ

ТАХРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
[Бош муҳаррир
ўринбосари]
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕВОВ
Мейли
ЙЎЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОВЕВ
Абсалом
АСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Урол
ЎЗБЕК

Тахририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкилотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар

«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —

Тошкентдаги
«СЭВИЖ»
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
ҳўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоёншар
хўбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 64654
Буортма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

Тўғриси, бу аёл билан танишганимда, унинг ғайритабиий қобилиятига унчалик ишонмадим, мени ишонттириш учун ҳар хил афсоналар тўқиса керак деб ўйлагандим.

— Боринг, кўрасиз. Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган маъқул, — деди кулиб у.

Оролни асраш қўмитаси қошида ташкил этилган «Нажот» шарқ табobati фирмасига боргач, биринчи учраган одам — бемор Воситхон Мирзааҳмедов бўлди.

— Қасалхонада бир ярим ой даволандим, — деб гап бошлади у, — шунча вақт мобайнида бўлмаган ўзгаришни одамлардан эшитиб, бу ерга келгач сезялман. Бир ҳафта даволандим. Қон босимим жойига тушди, тетикман. Қасалхонадан бир отахонни олиб келгандим, у киши ҳам хурсанд.

Бу беморнинг айтганлари қизиқишимни оширгач, руҳий табиб Малика Азимова билан бўлган қуйидаги суҳбат қозғоғга тушди.



МАЛИКА АЗИМОВА:

МЕН ХУДОДАН ДАВО СЎРАЙМАН

— Малика опа, сиз ўзингиздаги қобилиятни қачон пайқаган эдингиз?

— 1966 йил Тошкент шаҳрида Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тинчлик шартномаси имзоланиши керак эди. Уйда ойна жаҳонни томоша қилаётгандик. Экрандан Лал Баҳодир Шастрини кўриб, акамга агар бугун шартномага қўл қўйишмаса, эртага ким қўл қўяди, дедим. Улар менга ҳайрон бўлиб қарашди. Мен беихтиёр Шастри шартномага қўл қўймайди, деб юбордим. Эртаси куни эса Шастрининг вафоти ҳақида хабар тарқалди.

— Шундан кейин қобилиятингиз борлигига тўла ишондингизми?

— Йўқ, аксинча, фалон жойдан экстрасенс чиқибди, дейишса ҳайрон қолардим.

Тиббиёт олий ўқув юртида таълим олганман. Шунинг учун бўлса керак, ғайритабиий қобилиятга унча ишонмасдим. Уқишни битказгач, ишлаш жараёнида ҳам баъзан ўзимга боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар бўлиб турарди. Беморлар бўлса мени қўли энгил врач деб билишарди.

— Бирор воқеа эсингизда қолганми?

— Бир куни шифохонага сурхондарёлик Қўлмамат деган йигитни олиб келишди. Унинг қўл-оёғи яхши ишламас, тили ҳам дудуқланар эди. Узимни синая кўрмоқчи бўлдим. Қисқаси, мен унга таъсир қила олдим. Тез орада у тилга кирди, қўл-оёғи ҳаракат келди.

— Қачондан бошлаб мустақил иш юритяпсиз?

— 1990 йилдан буён.

— Авлодингизда табиблар бўлганми?

— Бувим табиб бўлган эканлар. Мен у кишини кўрмаганман. Кўрган билганлар ҳалигача гапиришади.

— «Нажот» фирмасида асосий ва-зифангиз нималардан иборат?

— Фирмамиз Оролбўйи аҳолисига тиббий ва моддий ёрдам кўрсатади. Текин даволаш сеанслари ўтказиб

турамиз. Яқинда ҳам профессор Пирмат Шермуҳамедов ва ўғлим Ҳуршид Мираҳмедов билан биргаликда Манғит, Беруний туманларига бориб келдик.

— Сиз етти кунлик даволаш сеанси белгилабсиз. Етти кунда бемор тузалиши мумкинми?

— Мумкин! Одамнинг биологик тузалиши жиҳатдан организмда етти кун ичида ҳар қандай куч ўз таъсирини кўрсатади. Бу нарса яна одам танаси, ер шари ва коинот билан боғлиқ.

— Ҳеч қандай асбоб-ускуналарсиз беморларга ташхис қўйишингизга гувоҳ бўлдим. Буни қандай изохлайсиз?

— Бу менга боғлиқ бўлмаган ҳол. Бемор қаршимда турганда, унинг тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўламан. Ташхис қўйишда ҳам шунга суянаман.

— Қандай касалликларни даволай оласиз?

— Шошилиш жарроҳлик талаб қилмайдиган деярли барча касалликларни. Жой етишмаслиги сабабли юқумли касалликларни қабул қила олмаймиз. Мен ҳозир аёллар билан кўпроқ шуғулланыялман. Агар аёл саломат бўлса, фарзандлар соғ-омон ўсишади. Аёлларда учрайдиган жинсий касалликларга масофадан туриб таъсир бериш бўйича кўпроқ ишлаялман. Натижа эса яхши. Бефарзандлик, ўсма, кўкрак безидаги касалликлардан халос бўлганлар сони ошиб борапти.

Тўғри, бу нарсаларни ҳамма ҳам қабул қила олмайди. Кимдир тасаввур қилолмайди, яна кимдир худога ширк дейиши мумкин. Қобилият деган нарсани ҳеч ким инкор этолмаган-ку! Қолаверса, мен беморларга худодан даво сўрайман.

— Кимлар билан бирга ишлайсиз?

— Икки врач ва икки ҳамшира биргаликда ишлаймиз. Абдусамат Азимов — врач-уролог. Ўз соҳасининг иқтидорли мутахассиси, Гулнора Жуманиёзова эса ҳамшира, башоратчи, Мавлуда Ахмадиева — ҳамшира, масаж қилувчи.

Яқинда фирмамизга янги ходим — Мавжуда Муҳаммаджонова келди. Бу аёл фол кўриб, амал ва басталикларни қайтариқ қилиб, қиз-жувонларнинг турмуш йўлларини очмоқда.

Биз, аввало, беморни касалликка олиб келган сабабларни аниқлаймиз. Организмдаги ўз кучини йўқотаётган ёки тўхтаб қолган бирон-қисмни ҳаракатлантириш, унга куч бериш орқали даволаш сеансларини ўтказамиз.

— Бу куч беморга маълум вақтгача таъсир қиладими, ё?

— Йўқ, вақти чегараланмаган. Ҳаракатлантирилган организм янги куч билан ишлаб бошлайди. Чунки белги-ланган сеанс беморларни ёшартиради ҳам.

— Беморларнинг ёши ёки жинсига ҳам эътибор берасизми?

— Беморлар (жинсидан қатъий назар) етти ёшдан етмиш ёшгача бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

Олисан келувчи беморлар учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилаймиз. Фирмамиз қошида ётоқхона бор. Шу ердан уларга жой ажратиб беришимиз мумкин.

— Тўғма ногиронлар ҳам келиб ту-
рар экан...

— Биласизми, биз тўғма деб билган ногиронларнинг кўпчилиги эҳтиётсизлик қурбони. Яқинда 16 ёшли қизни олиб келишди. Туғилганидан буён оёқ босмаган. Мен уни даволаб кўрдим. У тезда оёққа турди. Ота-онасининг суйинганини бир кўрсангиз эди.

— Кўпчиликка хурсандчилик ула-
шасиз. Ҳаётингиздан мамнун бўлсан-
гиз керак!

— Кўп аёлларга ҳавасим келади. Бутун борлигини оиласига, фарзанд-
ларига бағишлайди. Мени эса кўриб
турибсиз... Лекин шифо топган бе-
морларнинг хурсандчилигини кўр-
ганимда бироз таскин топгандек бўла-
ман.

Суҳбатимизни хонага бош суққан ўрта ёшлардаги бир киши бўлди.

— Кечирасизлар, мумкинми?

— Келинг, марҳамат, — Малика опа мулоимлик билан таклиф қилди. Эр-хотин ичкари кирди.

— Оиланинг юраги безовта қилади, — деди эркак киши. Малика опа икки метрлар чамаси масофадан туриб, аёлни текшира бошлади.

— Сиз соғломсиз, синглим, — деди у ишонч билан.

Ҳаммамиз ҳайрон бўлди.

— Ногирон фарзандингиз борми! — сўради Малика опа.

Аёл ёш тўла кўзини юмиб, тасдиқ маъносини билдирди.

— Олиб келинг, даволайман. Сизнинг дардингиз ўшанди. Эр-хотин юзларига қизиллик югуриб, хонадан чиқиб кетишди.

Малика опанинг айтишича, уларнинг даволаниш сеанслари бошланган эди.

Ботир ЭРНАЗАР



Суратда: Малика АЗИМОВА фарзандлари билан

Суратчи: С. МАҲКАМОВ